

REFLECTION OF ARCHAEMS IN TRANSLATIONS OF BOBURNOMA

Sadikov Kamoliddin,
NamMMTI doctoral researcher

Annotation: The study of manuscripts and translations of the text "Boburnoma" in the world literary process is of great interest to orientalists and translators. The fact that "Boburnoma" has been translated into more than 16 languages is a clear proof of this. The problem of explaining the linguocultural aspects of the translation of "Boburnoma" and the adequate translation of units of measurement into English is one of the most pressing issues in translation studies.

Keywords: classical form, Turkish language, Archaisms, translation, Translation Studies, comparative research, Modern writers, obsolete words, tradition, classical literature, pragmatic

«БОБУРНОМА» ТАРЖИМАЛАРИДА АРХАИЗМЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Sadikov Kamoliddin,
NamMMTI doktorantura tadqiqotchisi

Аннотация : Дунё адабий жараёнида «Бобурнома» матни қўлёзма нусхалари ва таржима масалаларини ўрганиш шарқшунос ва таржимашуносларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Бобурнома» дунёнинг 16 дан ортиқ тилларига таржима қилиниши ҳам бунинг яққол далилидир. «Бобурнома» таржималарининг лингвокултурологик жиҳатларини ёритиб бериш ҳамда ўлчов бирликларининг инглиз тилига адекват таржима қилиш муаммолари таржимашуносликдаги долзарб масалалардан биридир.

Калит сўзлар : классик шакл, туркий тил, Архаизмлар, таржима, Таржимашунослик, қиёсий тадқиқ, Замонавий ёзувчилар, истеъмолдан чиққан сўзлар, урф-одат, мумтоз адабиёт, прагматик

Бобур туркий тилнинг энг қадимги намуналаридан бошлаб, классик шакллариғача мукаммал билган ва ўз асарида уларнинг энг сара намуналарини мувофиқ ҳолда қўллаган буюк сўз санъаткори эди. Айни пайтда унинг араб ва форс тилларининг нозик қатламларига қадар эгаллагани, шеърияти, илмий-тарихий ижоди, айниқса «Бобурнома»дек улкан асарнинг майдонга келишини таъмин этди. Бу борада, албатта, «Бобурнома» тилининг асоси бўлган қадимги туркий тилнинг аҳамияти чексиздир. Архаизмлар ва уларнинг таржималари тадқиқи Э.Қиличев¹, Н.Ўрманова², Исақова Ш³ ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Таржимашуносликда ҳозирча олимларимиз томонидан архаизмларнинг француз тилида акс этиши ва таржималарда ифодаланиши юзасидан фикрлар билдирилган.

«Бобурнома» матнидаги архаизмларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи ҳалигача тўлиқ ўрганилган эмас. Шунинг учун архаизмларни тасвирий воситалардан бири сифатида ўргандик. Архаизмларнинг инглиз тилига таржималарида қандай акс эттирилганини Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималари асосида қиёсий тадқиқ этдик. С.Влахов ва С.Флоринларнинг

¹Қиличев Э. Айний прозасида архаизм ва историзмлар: Автореф. дис...канд. филол. наук. – Тошкент, 1969.

²Ўрманова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принципи ва таржима аниқлиги (ўзбек адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2008.

³Исақова Ш. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши (Ойбекнинг Навоий романининг французча таржимаси мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004.

фикрича, китобхон куйидаги ҳолатларда архаик сўз ва ибораларга дуч келади: 1. Ўтмиш адиблари асарлари таржимасида. 2. Замонавий ёзувчилар ўтмишга мурожаат этиб ёзган асарлари таржимасида⁴. «Бобурнома» тарихий асар сифатида биринчи турга мансуб. Бунда архаик сўзларни жуда кўп учратишимиз мумкин. Унда ўз даврининг ҳарбий стратегия, бир қатор фанларнинг илмий ютуқлари, тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, жойларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг этимологияси ифодаланган. «Бобурнома» матнида архаик сўзлар айнан муаллиф томонидан архаик сўз сифатида ишлатилмаган. Аммо қадимги туркий қатламга оид Бобур замонидан истеъмолдан чиққан сўзлар ҳам муаллиф билим доирасининг кўламига кўра «Бобурнома»дан ўрин олган. Бобур даврида замонавийликни акс эттирган сўзлардан бир қисми бизнинг замонамизга келиб архаик сўзга айланган. Воқеалар тасвирида архаик сўзлар мавжуд бўлса, аслият тилида сўзлашувчи китобхон учун тушунарли бўлмайди. Улар мумтоз адабиёт манбалари луғати орқали бу архаик сўзнинг маъносини билишлари мумкин. Умуман, архаик сўзлар асл матннинг прагматик хусусиятларини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ғ.Раҳимов фикрига кўра: «Аслиятнинг прагматик хусусиятларини қайта яратишда таржимоннинг уларни замонавийлаштиришга уриниши ҳам аслият матннинг ўзгариб кетишига олиб келади. Бунда аслиятда тасвирланган воқеа-ҳодисалар рўй берган вақт ва жой билан таржимадаги воқеа-ҳодисаларнинг замони ва макони бир-биридан бутунлай фарқ қилиб қолади⁵». Архаик сўзларни таржималарда акс этишида, сўзларнинг маъно ва мазмунини сақлаш муҳим. «Бобурнома»даги: «*Бу муддатда Бойсунқур мирзо Туркистонга Шайбонийхонга, мутавотир кишилар йибориб, Шайбонийхонни кўмак тилабдур. Қишлоқ уйлари тайёр бўлуб қўрғонга кирдук. Шайбонийхон Туркистондин илғаб ўшул саҳари бизнинг юртумиз устига келиб турди. Бизнинг черикимиз яқин эмас эди. Қишлоқ маслаҳатиға баъзи Работи Хожасага, баъзи Кобудға, баъзи Шерозға бориб эдилар*» (Бобурнома 2002; 58). Тагига чизиб ажратилган сўзларнинг барчаси Бобур даври тили нуқтаи назаридан архаизм эмас. Аммо бугунги кунга келиб ёзилиш шакли, лексик вазифаси ва маъносига кўра архаизмга айланган.

Матнда келган «мутавотир кишилар» сўзи бугун «кетма-кет кишилар» маъносида тушунилади. Бу архаик сўз Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималарида шундай акс этирилади: Лейден-Эрскин таржимасида: «repeated messengers» (*қайта-қайта хабар берувчилар*), А.Бевериж таржимасида: «again and again» (*яна ва яна*), В.Текстон эса, «a stream of people» (*одамлар тўдаси*) тарзида таржимада келтиради. Таржимонлар бу архаик сўзни ҳар учала таржимон ўз услубига хос тарзда ўгирган. Уларни бири-бири билан қиёсласак, ҳар бир таржимада архаик сўзлар турли шаклда берилгани кузатилади. Прагматик хусусиятлари жиҳатидан ҳар бири фақат бир маънони англатишга хизмат қилади. Аммо булар, таржима матнида муайян семантик вазифани бажарса ҳам, айнан аслиятдаги маънони бермайди. Лейден-Эрскин таржимасини бошқа таржималарга нисбатан аслиятга прагматик мувофиқроқ дейиш мумкин. Баъзи ўринларда таржимонлар архаик сўзларни матн мазмунига тўла мувофиқлаштириш учун изоҳлардан фойдаланишган.

«Кўмак тилабдур» архаик сўзи таржима матнларида куйидагича ифодаланган, Лейден-Эрскин таржимасида: «inviting him to come to his assistance» (*унинг ёрдамга келишини таклиф қилиш*) деб берилади, А.Бевериж таржимасида: «to ask help» (*ёрдам сўраш*) тарзида келтирилса, В.Текстон таржимасида эса: «to request assistance» (*ёрдам сўраб илтимос қилиш*) шаклида келтирилади.

Матндаги архаик сўз англатган маъносига нисбатан таржимада ўз аксини топганми ёки маъно жиҳатидан ўзгариш мавжудми, бу фикрга аниқлик киритиш мақсадида қиёсий таҳлилга ўрин берамиз. Маълум бўлишича, ҳар иккала таржимага нисбатан А.Бевериж таржимаси аслиятга мос тарзда прагматик мувофиқлик билан ўгирилган. Архаик сўзнинг таржимаси семантик жиҳатдан аслият матнига мувофиқ келган. Зотан, «Архаизм – бу тилдаги шундай бир фактқи, алоҳида олиб қаралса, гапирувчи субъектга тушунарли бўлмайди, контекст ичидагина маъно касб этади: ана шу

⁴Влахов С, Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – М.: Валент, 2006. – С.133.

⁵ Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б.90.

контекстдагина маънога эга бўлади, унинг алоҳида унсурларини таҳлил қилганда бирон бир фикр англатмайди»⁶.

«Қўрғон» сўзини оладиган бўлсак, Лейден-Эрскин таржимасида: «fort», А.Беверижда эса: «Khawaja Dildar», В.Текстонда: «fortress» шаклида келтиради. Агар Лейден-Эрскин ва В.Текстон «қўрғон» сўзининг айнан таржимасини келтирган бўлса, А.Бевериж қўрғоннинг номини транслитерация усулида келтириш билан кифояланган.

«Туркистондин илғаб ўшул саҳари» («Туркистондан жадаллаб ўша тонг») жумласини Лейден-Эрскин таржимасида: «next morning...hastened» (*кейинги тонг тезлаб*), А.Бевериж таржимасида: «On the morning...ridden light» (*тонгда ёруғнинг тез тушиши*), В.Текстон эса: «hastened...Wednesday morning» (*Чоршанба кун эрталаб...тезлаб*) деб таржима қиладилар. Демак, таржимонлар архаизм таржимасини турлича талқин этган. Лейден-Эрскин ва В.Текстон таржималарида прагматик мувофиқлик билан ўгирилган бўлса, А.Бевериж таржимасида «On the morning... having ridden light from Turkistan» (*эрталабда ёруғнинг тез тушиши*) биров ғализ, прагматик номувофиқликда таржима этилган.

«Бобурнома» матнидаги воқеа тафсилотида, бир нечта архаик сўзларни учратамиз. Қуйида архаик сўзларни алоҳида ажратиб, уларнинг ҳозир мавжуд муқобил вариантларни қавс ичида кўрсатиб ўтамиз: «Бовужуд (*шунга қарамай*) ҳозир черик (*лашкар*) кишиси била ясаб чиқилди (*аслаҳаланиб чиқилди*). Шайбонийхон туруш бермай (*чидаш бермай*), Самарқанд сари ўзини тортти (*чекинди*), Самарқанд навоҳисига борди (*атрофига борди*). Чун Бойсунқур мирзонинг муддаосидек бўлмади, яхши ихтилот қилмади (*муомалада бўлмади*)» (Бобурнома 2002; 58). Бобур Шайбонийхон билан жангга кириш вақтида юз берган воқеани тасвирлар экан, унинг лашкари аслаҳаланиб чиқиши-ю, Шайбонийхоннинг Самарқанд сари чекинишини тасвир этади. Муаллиф бу воқеаларни аниқ ва ихчам тасвирлайди. Бу ҳаракатлар Бойсунқур мирзо истаганидек амалга ошмаганини таъкидлайди. Бобур қайси манзарани ёки воқеани баён этмасин, фақат ростини баён қиладди.

Ушбу архаизмлар Лейден-Эрскин таржимасида: Бовужуд (*шунга қарамай*) - however (*бироқ, шунга қарамай*), черик (*лашкар*)- forces (*куч, қўшин*), ясаб чиқилди (*аслаҳаланиб чиқилди*)-marched out (*аслаҳаланиб чиқилди*), туруш бермай (*чидаш бермай*)-did not venture to maintain (*чидаш бермай*), тортти (*чекинди*)-drew off towards (*чекинди*), навоҳисига борди (*атрофига борди*)-halted in its environs (*унинг атрофига (тўхтади) борди*), ихтилот қилмади (*муомалада бўлмади*)-disappointed on finding (*муомалада бўлмади*) каби сўз ва сўз бирикмалар орқали қайта тикланган.

Аслиятда келтирилган: «Самарқанд сари ўзини тортти» жумласидаги «тортти» сўзи, таржимада «drew off» деб берилади. «Тортти» сўзи аслиятда, «Самарқанд томон чекинди» маъносида ишлатилган бўлса, таржимада прагматик мувофиқликда ўз аксини топган. Матнда «forces» *черик (лашкар)* деб берилган, айнан таржимада шундай ифодаланмаса-да, мазмунан шу сўзнинг маъносини англатади. Бу архаизм таржимада сўзма-сўз услубидан фойдаланиб ўгирилган. Манба ва таржима матн ўртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Баъзи сўзлар таржима тилида айнан ўгирилган бўлмаса-да, уларнинг муқобил варианты келтирилади.

ХУЛОСА

Ҳар иккала таржимада архаик сўзлар турли даража ва савияда ўз ифодасини топган. Аммо, В.Текстон таржимасида архаик сўзлар аниқ акс этганлиги ва прагматик хусусиятлари ўзгармаганлиги билан ажралиб туради. Чунки у гапларни содда гап тарзида ўгириб, ўқувчи қабул қилишини енгиллаштирган. Муаллифнинг қиёслаш, асарни бадий талқин этишдаги ифода услубини сақлаб қолингани ва архаик сўзларнинг таржималарида прагматик мувофиқлик билан амалга оширганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

⁶ Исакова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс этирилиши (Ойбекнинг Навоий романининг французча таржимаси мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2004. – Б.94.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017.- 485 б.
2. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – 138 б.
3. Butayev Sh. English-Uzbek Uzbek-English dictionary. –Тошкент: O'qituvchi, 2013. –880 б.
4. Bar Hillel Y. Pragmatics of Natural Languages. – Dordrech; Boston; Reidel. 1971. – 231 p.
5. Благова Г.Ф. «Бабурнаме» язык, прагматика текста, стил. – М.: 1994, 404 с.
6. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – Москва: Валент. 2006.–343с.
7. Вюртле Ф. Андижон шахзодаси. Немис тилидан Я.Эгамова таржимаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 2011. 220 б.
8. Güttinger Fritz. Zielsprache: Theorie und Technik des Übersetzens. – Ztirich: ManesseVerlag, 1963. 245 p.
9. Гегель Г. Феноменология духа. Философия истории. – М.: Эксмо, 2000. –880 с.
10. Годен Р. Гулбадан:Захриддин Мухаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига қизгилар / Инглизчадан Х.Сўфиева таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2007.- 175 б.
11. Дониёров Р. Бадий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1962. – №5. – Б.73.
12. Eiji Mano. The characteristical description of historical people in Baburname. Бобур абадияти. Халқаро анжуман материаллари. Андижон, 2017. 288 б.
13. Ёқубов Ҳ. Бобир. –Тошкент, 1941. 320 б.
14. Жамолов С., Отажонов Н. Заҳириддин Мухаммад Бобур ижодини ўрганиш ўқув қўлланмаси. – Тошкент, 1990. – 229 б.
15. Lederer M. Implicite et explicite in Selescovitch and Lederer: Interpreter pour traduire.– Paris: Didier Erudition.– 480 p.